



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 15 » dekabr № 664

Toshkent sh.

Трамвай ва троллейбус транспортида йўловчиларни ташиш tizimi samaradorligini oshirish chora-tadbirlari tўғrisida

Самарқанд ва Хоразм вилоятларида трамвай ҳамда троллейбусда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, йўловчиларни ташишда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, трамвай ва троллейбус транспорти инфратузилмасини сақлаш, ундан фойдаланишни самарали ташкил этиш ҳамда электр транспортини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар трамвай ва троллейбус транспорти фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва унинг тизимини ривожлантиришнинг **устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

жамоат транспорти инфратузилмасини модернизация қилиш ҳамда ҳаракат таркибини **босқичма-босқич** янгилаш;

илғор хорижий тажриба асосида замонавий шаҳар жамоат транспортини **бошқариш тизимларини** такомиллаштириш;

республикада **“яшил транспорт”** тизими улушини кўпайтириш орқали самарали ва экологик тоза транспорт турларига босқичма-босқич ўтиш;

ривожланган давлатлар ахборот технологияларини қўллаган ҳолда, жараёнларни **рақамли бошқариш** тизимини жорий этиш;

соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг малака ва кўникмасини ошириш бўйича етакчи хорижий таълим ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

замонавий билимга эга профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш орқали соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш.

2. Белгилансинки, **2024 йил 1 январдан бошлаб** трамвай ҳамда троллейбусда йўловчи ташиш учун йўлқира ҳақини тўлашнинг **автоматлаштирилган тизими** жорий этилади.

Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари Транспорт вазирлиги билан биргаликда **2024 йил 1 июнга қадар** йўловчилар учун қулай электрон тўловларни оммалаштириш мақсадида трамвай ва троллейбус транспортида электрон тўлов тизимидан фойдаланишни **рағбатлантирувчи тарифларни** халқ депутатлари Кенгаши **муҳокамасидан** ўтказиб, жорий этилишини таъминласин.

3. Транспорт вазирлигига электр транспортини ривожлантириш бўйича қуйидаги **қўшимча вазифалар** юклансин:

жамоат транспортида электр транспорти улушини оширган ҳолда, аҳоли учун қулай бўлган янги йўналишлар тармоғини ишлаб чиқиш;

жамоат транспортида электр транспорти инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

электр транспортида тариф сиёсати, ставкалар ва йиғимлар масалаларини тартибга солишда иштирок этиш.

Транспорт вазирлиги **бир ой муддатда** вазирлик марказий аппаратида белгиланган штат бирлиги доирасида трамвай ва троллейбус транспортини ўз ичига олган **“яшил транспорт”**ни ривожлантириш учун **масъул бўлган бўлинма** ташкил этсин.

4. Транспорт вазирлиги, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳокимликларининг **“Трамвай линияларини эксплуатация қилиш дирекцияси”** давлат корхонаси ва **“Хоразм вилояти троллейбус бошқармаси”** давлат корхонасини Транспорт вазирлиги тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Транспорт вазирлиги **икки ой муддатда**:

Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда **“Хоразм вилояти троллейбус бошқармаси”** давлат корхонасининг мавжуд асосий воситаларини хатловдан ўтказсин;

Хоразм вилояти ҳокимлиги ва **“Худудий электр тармоқлари”** АЖ билан биргаликда **“Хоразм вилояти троллейбус бошқармаси”** давлат корхонасидаги троллейбус электр узатиш тармоқлари рўйхатини шакллантирган ҳолда, улар баҳоланган қийматда **“Худудий электр тармоқлари”** АЖнинг Хоразм худудий электр тармоқлари филиалига ўтказилишини таъминласин;

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва **“Худудий электр тармоқлари”** АЖ билан биргаликда трамвай депоси кичик станциясини Самарқанд шаҳар электр таъминоти тизимига улаш чораларини кўрсин.

6. Транспорт вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда янги трамвай ва троллейбуслар харид қилиш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини жалб қилиш бўйича улар билан музокаралар ўтказиб, натижаси бўйича **2024 йил 1 майга қадар** Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Транспорт вазирлиги Тошкент давлат транспорт университети билан биргаликда **уч ой муддатда** трамвай ва троллейбус транспортига техник хизмат кўрсатиш ва уларни жорий таъмирлаш бўйича малакали кадрлар ҳамда трамвай ва троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва ходимлар **малакасини ошириш курсларини** ташкил этсин.

8. Трамвай ва троллейбус транспорти фаолияти самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш бўйича **“йўл харитаси”** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда трамвай ва троллейбус транспорти фаолиятини молиялаштириш ва “йўл харитаси”нинг тегишли бандларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар 2024 йил ҳамда келгуси йиллар учун тегишли маҳаллий бюджет параметрларини шакллантиришда назарда тутилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Трамвай ва троллейбус транспорти фаолияти самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
I. Трамвай ва троллейбусда йўловчи ташишда кўрилаётган зарарларни қисқартириш ва оптималлаштириш					
1.	“Хоразм вилояти троллейбус бошқармаси” ДК электр энергияси бўйича қарздорлигини қоплаб бериш.	1. “Хоразм вилояти троллейбус бошқармаси” ДК томонидан фойдаланилган электр энергияси бўйича ҳисоб-китобларни хатловдан ўтказиш ва мавжуд қарздорликни қоплаш. 2. Электр энергияси харажатларини қоплаш миқдори ҳамда корхона томонидан хизматлар кўрсатиш учун троллейбусдан фойдаланишда сарф қилинган электр энергияси миқдори ўртасидаги тафовутга аниқлик киритиш. 3. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши йиғилишида кўрилган зарарларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш масаласини муҳокама қилиш.	2024 йил январь 2024 йил февраль 2024 йил февраль	Хоразм вилояти маҳаллий бюджети маблағлари	Хоразм вилояти ҳокимлиги (Ж.Рахимов), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (У.Мустафоев), манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Трамвай ва троллейбусларда реклама хизматлари кўрсатишни ривожлантириш.	1. Трамвай ва троллейбусларда реклама хизматларини кўрсатиш учун белгиланган реклама жойларини “Е-auksion” савдо майдончасига чиқариш. 2. “Е-auksion” савдо майдончасида ғолиб бўлган талабгорлар билан белгиланган тартибда шартномалар тузиш.	2024 йил январь 2024 йил январь	Маблағ талаб этилмайди	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), “Хоразм вилояти троллейбус бошқармаси” ДК, “Трамвай линияларини эксплуатация қилиш дирекцияси” ДК

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
II. Трамвай ва троллейбус транспорти инфратузилмасини ривожлантириш					
3.	Трамвай ва троллейбусларни таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар захирасини яратиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси: 1. Трамвай ва троллейбус саройларининг таъмирлаш устахонасини керакли асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ва махсус мосламалар билан жиҳозлаш, трамвай ва троллейбусларни таъмирлаш учун зарур эҳтиёт қисмлар харид қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 июндаги 352-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил февраль 2024 йил март 2024 йил май	Маблағ талаб этилмайди	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	Йўловчиларга хавфсиз ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида трамвай бекатлари жойлашувини қайтадан кўриб чиқиш.	1. Бекатларни хатловдан ўтказиш. 2. Жамоат транспорти инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий транспорт-ўтиш боғламаларини ҳамда намунавий лойиҳалар ишлаб чиқиш асосида трамвай оралиқ бекатларини ташкил этиш.	2024 йил январь 2024 йил апрель	Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети маблағлари	Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
		3. Бекатларда қуйидаги шарт-шароитларни яратишни назарда тутиш: трамвай қатнов жадвали ва келиш вақтини кузатиб бориш имкониятига эга электрон табло ўрнатиш; қулай ўриндиқлардан фойдаланиш; имконияти чекланган шахслар хавфсизлигини таъминлаш учун бекатнинг автомобиль йўли қатнов қисми билан чегарасида “тактил” плиталар ўрнатиш.	2024 йил январдан бошлаб		Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б.Закиров), манфаатдор вазирлик ва идоралар
5.	Троллейбусларни сақлаш ва кундузги қатновларга тайёргарлик ишларини амалга ошириш учун Хива шаҳрида зарур шарт-шароитлар яратиш.	1. Троллейбусларни сақлаш учун майдон ажратиш. 2. Енгил конструкцияли (панжара тўсиқли), усти ва ён атрофи ўралган ҳудудда троллейбусларни сақлаш иншооти лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш. 3. Қурилиш ва монтаж ишларини амалга ошириш.	2024 йил март 2024 йил июль 2024 йил якунигача	Хоразм вилояти маҳаллий бюджети маблағлари	Хоразм вилояти ҳокимлиги (Ж.Рахимов), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Троллейбусларга техник хизмат кўрсатиш, уларни жорий таъмирлаш ва ювиш цехларида замонавий шарт-шароитлар яратиш.	1. Троллейбусларга техник хизмат кўрсатиш, уларни жорий таъмирлаш ва ювиш цехлари учун керакли ускуналар ва дастгоҳлар рўйхатини шакллантириш. 2. Зарур ускуналар ва дастгоҳлар харид қилиш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан тегишли маблағларни ажратиш. 3. Ускуналар ва дастгоҳларни белгиланган тартибда харид қилиш чораларини кўриш. 4. Ускуналар ва дастгоҳларни ўрнатиш.	2024 йил январь 2024 йил февраль 2024 йил март 2024 йил апрель	Хоразм вилояти маҳаллий бюджети маблағлари	Хоразм вилояти ҳокимлиги (Ж.Рахимов), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), “Боштранслойиҳа” АЖ (Р.Рузиев), манфаатдор вазирлик ва идоралар

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
III. Трамвай ва троллейбус транспорти инфратузилмасини таъмирлашда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда қурилиш ишларини жадаллаштириш					
7.	Трамвай йўли ва стрелкали ўтказгичи остидаги носоз ёғоч ва темир-бетон шпалларни алмаштириш ҳамда тартибга келтириш. Бунда: Самарқанд темир йўл вокзали – “Сартепо” массиви йўналиши бўйича умумий узунлиги 244 метр трамвай йўли (410 дона шпал); Тарихий музей чорраҳасида икки томонлама темир йўлда ҳамда Нарпай ва Буюк Ипак йўли темир йўл кесишмаси бўйича умумий узунлиги 128 метр трамвай йўли (10 дона шпал).	1. Темир йўл ва стрелкали ўтказгичлар остидаги ёғоч ва темир-бетон шпалларни хатловдан ўтказиб, қўшимча амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Темир йўл устки қисми қатламини (асфальт ёки брусчатка) олиш. 3. Шпалдаги яроқсизлик ёки носозликни аниқлаб, олиб ташлаш. 4. Темир йўлнинг балласт қисмини тартибга келтириш, янги шпал ўрнатиш ва маҳкамлаш. 5. Темир йўл устки қатламини (асфальт ёки брусчатка) ўрнатиш.	2024 йил январь 2024 йил март-май 2024 йил май-июнь 2024 йил май-июнь 2024 йил май-июнь	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маблағлари	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (З. Нарзуллаев), “Боштранслейх” АЖ (Р. Рузиев), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э. Турдимов), Транспорт вазирлиги (И. Махкамов)
8.	Самарқанд темир йўл вокзали – “Сартепо” массиви йўналишида 3 та трамвай йўлида носоз стрелкали ўтказгичларни алмаштириш.	1. Темир йўл стрелкали ўтказгичи устки қисми қатламини (асфальт ёки брусчатка) олиш. 2. Стрелкали ўтказгич эҳтиёт қисмларидаги яроқсизлик ёки носозликни аниқлаб, янгисига алмаштириш ёки таъмирлаш учун олиб ташлаш. 3. Темир йўл стрелкали ўтказгичи балласт қисмини тартибга келтириш, эҳтиёт қисмларни ўрнатиш ва маҳкамлаш. 4. Темир йўл устки қатламини (асфальт ёки брусчатка) ўрнатиш.	2024 йил март-май 2024 йил май-июнь 2024 йил май-июнь 2024 йил май-июнь	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маблағлари	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (З. Нарзуллаев), “Боштранслейх” АЖ (Р. Рузиев), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э. Турдимов), Транспорт вазирлиги (И. Махкамов)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
9.	Самарқанд шаҳри ҳудудида янги депо қуриш.	1. Янги трамвай депосини қуриш учун майдон ажратиш. 2. Тегиншли маҳаллий ҳокимлик қарорини чиқариш. 3. Депо ҳудудида трамвайларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни жорий таъмирлаш, йўналишларга тайёрлаш ишларини амалга ошириш имкониятини яратиш. Бунда трамвай электр подстанцияларидаги камчиликларни бартараф этиш, юқори кучланишли кабеллар ўрнатиш.	2024 йил январь 2024 йил февраль 2024 йил май-сентябрь	Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети маблағлари	Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б.Закиров), Транспорт вазирлиги (И.Маҳкамов),
10.	Трамвай йўли линиялари электр контакт тармоғидаги носозлик ва камчиликларни бартараф этиш ва уни тўлиқ ишга тушириш.	1. Контакт симларини электр энергияси таъминотига (трансформатор) улаш. 2. Узунлиги 5100 метр бўлган “АПвПу-1х120” русумли кабель тармоғини тиклаш. 3. 2-тортувчи подстанция биноси пол қисмини тиклаш ҳамда электр ускуналарини созлаш. 4. “Самарқанд темир йўл вокзали – Сиёб бозори” 2-сон трамвай йўналишини тўлиқ ишга тушириш.	2024 йил май 2024 йил июль	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маблағлари	Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (З. Нарзуллаев), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов)
11.	Қурилиши якунига етган “Самарқанд темир йўл вокзали – “Сартепо” массиви” 1-босқич ва “Самарқанд темир йўл вокзали – Сиёб бозори” 2-босқич трамвай йўли линияларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясини ташкил этиш.	Ҳукуматнинг қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси таркибини тасдиқлаш юзасидан тегиншли ҳужжатини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил июнь-июль	Маблағ талаб этилмайди	Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
IV. Трамвай ва троллейбусларда йўловчи ташиш тизимини такомиллаштириш					
12.	Трамвай ва троллейбус транспорти соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш.	1. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги малака ошириш марказларида профессионал трамвай ва троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш. 2. Трамвай ва троллейбус ҳайдовчилари фаолиятини йўловчилар томонидан баҳолаб бориш тизимини жорий этиш. 3. Трамвай ва троллейбусларга техник хизмат кўрсатиш ходимлари тажрибасини трамвай ва троллейбуслар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ошириб бориш.	2024 йил март 2024 йил июнь 2024 йил мартдан бошлаб	Транспорт вазирлигининг Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ҳамда Транспорт университети маблағлари	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), Транспорт университети (О. Абдурахманов), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Ж.Рахимов)
13.	Янги трамвай ва троллейбуслар харид қилиш орқали ҳаракат таркибини янгिलाш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.	1. Ривожланган давлатларнинг трамвай ишлаб чиқарувчи ташкилот ва корхоналари билан музокаралар ўтказиш ва белгиланган тартибда шартномаларни имзолаш. 2. Халқаро молия институтлари билан янги трамвай ва троллейбуслар харид қилиш учун имтиёзли кредитларни жалб этиш чораларини кўриш. 3. Ҳаракат таркибини янгिलाш бўйича лойиҳаларни Республика инвестиция дастурига киритиш.	2024 йил март 2024 йил апрель 2024 йил август	Халқаро молия институтларининг кредит маблағлари	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Қудратов), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Ж.Рахимов)
V. Трамвай ва троллейбусларда йўловчи ташиш фаолиятини рақамлаштириш					
14.	Трамвай транспортида автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиш.	1. Трамвайларни “АТТО” электрон тўлов тизимининг ускуналари билан жиҳозлаш. 2. Йўловчиларни электрон тўлов тизимидан фойдаланишга тарғиб қилиш ва нақд тўлов амалиётини қисқартириш чораларини кўриш.	2024 йил январдан бошлаб доимий	“Автоматлаштирилган тўлов тизими оператори” МЧЖ маблағлари	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), “Автоматлашган тўлов тизими оператори” МЧЖ (Д.Шоёкубов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
15.	Троллейбус транспортида автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиш.	1. Троллейбусларни “АТТО” электрон тўлов тизимининг ускуналари билан жиҳозлаш. 2. Йўловчиларни электрон тўлов тизимидан фойдаланишга тарғиб қилиш ва нақд тўлов амалиётини қисқартириш чораларини кўриш.	2024 йил январдан бошлаб доимий	“Автоматлаштирилган тўлов тизими оператори” МЧЖ маблағлари	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), “Автоматлашган тўлов тизими оператори” МЧЖ (Д.Шоёкубов)
16.	Трамвай ва троллейбусларни GPS навигатор қурилмаси билан жиҳозлаш.	1. GPS навигатор қурилмасини харид қилиш. 2. GPS навигатор қурилмасида маълумотлар алмашишни йўлга қўйиш мақсадида “сим карта” харид қилиш. 3. Қурилмаларни ўрнатиш.	2024 йил март 2024 йил апрель 2024 йил май	Транспорт вазирлигининг Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов)
17.	Трамвай ва троллейбуслар учун автоматлаштирилган диспетчерлик бошқарув тизимини жорий этиш.	Трамвай ва троллейбуслар ҳаракат кузатувини “Автоматлаштирилган диспетчерлик бошқарув тизими”га улаш.	2024 йил июнь-июль	Транспорт вазирлигининг Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов)
18.	“АТТО” мобил иловасида трамвай ва троллейбуслар ҳаракатини онлайн кузатиш имкониятини яратиш.	1. “Автоматлаштирилган диспетчерлик бошқарув тизими”ни “АТТО” мобил иловасига улаш. 2. Тизимларни улаш ва трамвай ва троллейбуслар ҳаракатини онлайн кузатиш имкониятини яратиш.	2024 йил июль 2024 йил июль	Транспорт вазирлигининг Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), “Автоматлашган тўлов тизими оператори” МЧЖ (Д.Шоёкубов)

